# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 19 август, № 179 (8241) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**






Президент Шавкат Мирзиёев давлат ташрифининг иккинчи кунида Жидда шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Ҳусайн Иброҳим Тоҳа билан учрашди.

Бугунги кунда Ислом ҳамкорлик ташкилоти 1 миллиард 700 миллион аҳоли яшайдиган 57 та давлатни бирлаштирган дунёдаги энг йирик халқаро тузилмалардан биридир. Ўзбекистон ИҲТга 1996 йилда аъзо бўлганидан буён ташкилот билан савдо-иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда.

Учрашувда ушбу нуфузли халқаро тузилма ҳозирги замон хатарлари шароитида ислом қадриятларини асраб-авайлаш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон билан ИҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги даражаси, уларни барча долзарб йўналишларда янада кенгайтириш истиқболлари юксак баҳоланди.

Ҳусайн Иброҳим Тоҳа Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотида алоҳида ўрин тутиши, мамлакатимиз илгари сураётган лойиҳа ва дастурларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини қайд этди. ИҲТ мамлакатлари туризм вазирлари томонидан Хива шаҳри 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинганини билан табриклади.

Ўзбекистон бундан буён ҳам таълим, фан, инновациялар соҳаларида, иқлим ўзгариши масалаларида ИҲТ билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратиши таъкидланди.

Оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамият ҳаёти ва давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш каби муҳим ижтимоий йўналишларда, шу жумладан, ИҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида тажриба алмашишга келишиб олинди.

Ўзбекистоннинг фан ва таълим соҳаларидаги бой салоҳияти қайд этилар экан, ИҲТ мамлакатимиз билан ташкилотга аъзо ривожланаётган давлатларда ёшларни ўқитиш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

— Ўзбекистон — буюк мутафаккирлар ва олимлар юрти, ташкилотимиз бу соҳаларда республикангиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, — деди бош котиб.

Афғонистон халқига гуманитар кўмак кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Термиздаги логистика марказини ривожлантириш орқали ушбу мамлакатга инсонпарварлик ёрдамини етказиш мумкинлиги қайд этилди. Термиздаги Афғон ёшлари учун таълим маркази фаолиятига юқори баҳо берилди.

Глобал, энг аввало, Орол минтақасидаги экологик муаммоларни ҳал қилиш масалалари муҳокама қилинди. ИҲТ бош котиби жорий йил мартда Исломободда ИҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган Оролбўйи ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлиги тўғрисидаги резолюцияларни қўллаб-қувватлаганини қайд этди.

— Орол денгизи ва Чад кўлининг қуриши бир-бирига ўхшаш муаммолардир, ушбу глобал экологик хатарларни бартараф этиш халқаро ҳамжамият ва молиявий институтларни жалб қилишга қаратилган умумий ҳамкорликни тақозо этади, — деди Ҳусайн Иброҳим Тоҳа.

Уларга ечим излаш мақсадида илмий ва амалий тажриба алмашиш, халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга келишиб олинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти бош котибни мамлакатимизга ташриф билан боришга таклиф этди. Ҳусайн Иброҳим Тоҳа бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига давлат ташрифи доирасида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассирни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ИТБ президентини Тошкент шаҳрида Банк Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор табриклади.

Президентимиз ИТБ билан шериклик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаб, банкнинг Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги стратегик ролини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда ИТБ билан биргаликда уй-жой коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқларни, соғлиқни сақлаш, таълим, сув хўжалиги, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1,2 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

➔ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## САЛМОН БИН АБДУЛАЗИЗ ОЛ САУДНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ИМОМ БУХОРИЙ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма дастур ва лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишдаги улкан ҳиссаси, мамлакатимизда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, мусулмон дунёси мутафаккирлари, улуғ уламоларининг жаҳон тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини турли миллатлар ва элатлар орасида кенг тарғиб қилиш, мусулмон умматининг бирдамлигини кучайтириш борасидаги самарали ва ибратли фаолияти, шунингдек, халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ишонч ва ўзаро ҳурмат муносабатларини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари учун Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Ўзбекистон Республикасининг «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 16 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## КОНЬЯ ШАҲРИДА (ТУРКИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН V ИСЛОМ БИРДАМЛИГИ ЎЙИНЛАРИДА ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОР БЎЛГАН СПОРТЧИЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ БИР МАРТАЛИК ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 9 — 18 август кунлари Конья шаҳрида (Туркия) бўлиб ўтган V Ислом бирдамлиги ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар ҳамда уларни тайёрлаган тренерларни рағбатлантириш, ёшларни профессионал спортга кенг жалб қилишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) V Ислом бирдамлиги ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган **Ўзбекистон спортчилари**:

**олтин** медаль учун — **5 000** АҚШ доллари;
**кумуш** медаль учун — **3 000** АҚШ доллари;
**бронза** медаль учун — **2 000** АҚШ доллари;

б) V Ислом бирдамлиги ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини **тайёрлаган тренерлар**:

**олтин** медаль учун — **2 500** АҚШ доллари;
**кумуш** медаль учун — **1 500** АҚШ доллари;
**бронза** медаль учун — **1 000** АҚШ доллари миқдорида **ҳар бир медаль учун бир марталик пул мукофотлари** билан рағбатлантирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган харажатлар **Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов, О.Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), тегишли спорт федерация (ассоциация)лари:

**V Ислом бирдамлиги ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари ҳамда уларни тайёрлаган тренерлар рўйхатини** тасдиқласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда бир марталик пул мукофотлари **тантанали равишда топширилиши** ҳамда ушбу жараён **оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин**.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 август

**Дунё нигоҳи**

## ТОШКЕНТ ВА АР-РИЁД МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

**Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи якунлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирмоқда.**

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи якунлари халқаро бизнес ва экспертлар ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Экспертларнинг аксарияти мамлакатлар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳиятга эга экани, ташриф чоғида эришилган келишувлар икки давлат раҳбарларининг ўзаро манфаатли муносабатларни изчил кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасидаги юксак сиёсий иродасидан далолат бераётганини эътироф этмоқда.*

➔ 2

# САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

1

Музокаралар чоғида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жорий йил якунигача банк томонидан 1,6 миллиард долларлик ўта муҳим лойиҳа ва дастурларни молиялаштиришни маъқуллаш назарда тутилган алоҳида дастур қабул қилинди. Таъкидланганидек, бу ИТБ билан муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича мамлакат дастурини қабул қилиш сари муҳим қадам бўлади.

Банкнинг Тошкентдаги тўлақонли ваколатхонасини тез фурсатда ташкил этиш, янги молиялаштириш воситаларини жорий қилиш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш жамғармаси камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни, айниқса, аёллар ва ёшлар бизнесини ривожлантириш борасидаги вазифалар ечимига муҳим ҳисса қўшишига ишонч билдирилди.

Транспорт инфратузилмаси бўйича минтақавий лойиҳаларни, Оролбўйида экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик, шунингдек, ИҲТнинг алоҳида траст фонди кўмагида Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш ва уни ижтимоий-иқтисодий тиклаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Банк бошчилигидаги ислом оламининг етакчи молиявий институтларини ўз ичига олган Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг навбатдаги йиғилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш муддатларини кўриб чиқиш юзасидан келишувга эришилди.

Шундан сўнг, давлатимиз раҳбари Жидда шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳлигининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда инвестициялар вазири Холид ал-Фалиҳ ҳамда подшоҳликнинг “ACWA Power”, “SABIC”, “Saudi National Bank”, “Al Rajhi Capital”, “Ma’aden”, “Petromin”, “Jamjoom Pharma”, “SEDCO”, “Salic”, “Albawani”, “Ajlan & Bros”, “Desert Technologies” каби йигирмага яқин энг йирик компания ва корпорациялари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг хорижга ташрифлари давомида ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Бундай мулоқотлар манфаатлар туташган нуқталарни аниқлаш, саноат кооперацияси ва инвестицион ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўзаро муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун улкан салоҳиятга эга. Кейинги йилларда Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми ортиб, қўшма корхоналар очилмоқда.

Президентимиз куни кеча Валиаҳд шаҳзода билан музокараларда икки томонлама савдо айланмасини бир неча карра кўпайтириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича келишувга эришилганини таъкидлади.

Бу ҳамкорликдаги бизнес учун қулай имконият. Хусусан, Ўзбекистонда тадбиркорлик билан шуғулланиш, хорижий сармоя иштирокини кенгайтириш учун энг қулай шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда муваффақиятли иш юритаётган Саудия компанияларининг тажрибаси кўрсатиб ўтилди. Масалан, “ACWA Power” компанияси билан ҳамкорликда 2 миллиард 600 миллион долларлик йирик энергетика лойиҳалари бошланган.

Иштирокчиларнинг эътибори ташриф арафасида ўтган Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг мисли кўрилмаган натижаларига қаратилди. Жумладан, унинг якунида умумий қиймати 14 миллиард доллардан зиёд лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўтган 30 йилда бундай улкан келишувларга эришилмагани, саудиялик ҳамкорлар учун энг яхши шароитлар яратиш ишлари давом эттирилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Саудия компанияларини янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда янада яқиндан ҳамкорлик қилишга чақирди.

Учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев икки томонлама шерикликни ривожлантиришга доир фикрларини баён қилди. Хусусан, саудиялик ишбилармонлар Ўзбекистондаги йирик банклар, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этишга таклиф этилди. Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун энг истиқболли соҳалар сифатида “яшил энергетика” ва “яшил иқтисодиёт” кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон шамол электр станцияларини барпо этиш, “яшил водород” ишлаб чиқариш, муқобил энергетикани ривожлантириш, саноатда рақамлаштиришни чуқурлаштириш ва қўшма илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш борасида фаол ҳамкорликка тайёр экани таъкидланди.

Мамлакатимиз етакчиси юртимиз рақамли иқтисодиёт, био ва нанотехнологиялар, дастурий таъминот, инновациялар ва сунъий интеллект соҳаларида шерикликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини қайд этди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ва туризм лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда Саудия тараққиёт фонди иштирокида сув ва электр таъминоти борасидаги инфратузилмавий лойиҳаларни такомиллаштириш ишларини давом эттириш режалаштирилган.

Ҳамкорлик қилиш таклифига жавоб берар экан, Саудия Арабистони компания, холдинг ва корпорациялари раҳбарлари Ўзбекистонда фаол бизнес учун яратилган шароитларни юксак баҳоладилар. Ўз чиқишларида улар қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режаларини баён қилиб, турли хил йўналишларда ўзаро алоқалар ва шерикликни ривожлантиришга доир нуқтаи назари билан бўлишдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев саудиялик ҳамкорларнинг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, барча лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини қайд этди.

Мутасаддиларга таъсирчан механизмлар ва аниқ ижро муддатлари кўрсатилган комплекс “Йўл харитаси”ни қабул қилиш топширилди. Шу орқали ташриф доирасида эришилган барча келишувлар ижроси учун тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Саудни мамлакатимизнинг юксак мукофоти — “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотлади.

Маълумки, бу орден яқинда, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 августдаги Қонунига мувофиқ таъсис этилди. У билан илм-маърифатни ривожлантириш, ислом олами мутафаккирлари меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишдаги алоҳида хизматлари учун олимлар, тадқиқотчилар, адиблар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари мукофотланади.

Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ушбу мукофотга сазовор бўлган биринчи инсон бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи чоғида муқаддас Макка шаҳрида ҳам бўлиб, умра амалларини бажарди.

Давлатимиз раҳбари динимиз арконларига мувофиқ эҳромга кириб, намоз ўқиди, талбия айтиб, Масжидул ҳарамга борди.

Маълумки, каъбатуллоҳнинг ичига кириш мусулмонлар орзу қиладиган улуғ шарафдир. Президентимиз ана шундай шарафга муяссар бўлиб, каъбатуллоҳнинг ичида намоз ўқиди.

Сўнг байтуллоҳ атрофида етти бор тавоф, Сафо ва Марва тепаликлари орасида еттита саъй қилинди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари, уламо ва зиёлилар билан биргаликда юртимизга тинчлик ва тараққиёт, халқимизга саломатлик ва фаровонлик тилаб дуолар ўқилди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ТОШКЕНТ ВА АР-РИЁД МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

1

**Фумихико КАТО,**
**Япония Миллий нефть уюшмаси раисининг ўринбосари ва ижрочи директори, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:**



— Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши ғоят муҳим бўлгани ҳолда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик-осойишталик мустаҳкамланиши, барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт таъминланиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳар икки давлат Марказий Осиё ва Яқин Шарқдаги минтақавий сиёсат ва иқтисодиёт масалаларида, шу жумладан, “афғон муаммоси” деб номланган низонинг ҳал қилинишида муҳим етакчилик ролини ўйнамоқда.

Шуни қайд этиш керакки, минтақадаги давлатлар Япония учун жуда муҳим ҳамкорлар ҳисобланади, чунки Ўзбекистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлса, четдан сотиб олинадиган нефть маҳсулоти умумий ҳажмининг 40 фоизи мамлакатимизга Саудия Арабистонидан импорт қилинади.

Япония ушбу мамлакатлар ҳукуматлари билан биргаликда Афғонистонга ёрдам кўрсатмоқда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини такомиллаштириш ва Трансафғон темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга оширишга, шунингдек, табиий ресурслар ва энергетика соҳасида кўмаклашмоқда.

Умид қиламанки, икки давлат раҳбарлари учрашувларининг натижалари сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ўзига хос пойдевор бўлади.

**Станислав СУЛОВСКИЙ,**
**Польша Сиёсий фанлар институтининг профессори:**



— Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи стратегик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга, деган фикрдаман. Ўзбекистон учун, айниқса, ташқи сиёсатнинг сўнгги пайтларда кўзга ташланаётган Осиё йўналиши, яъни Шарқий қирраси Европа, аниқроқ айтганда, Ғарбий йўналиши каби долзарб мазмунга эгадир. Ўзбекистоннинг кўп қиррали ташқи сиёсат асосидаги муваффақиятли мувозанатлашуви геосиёсий нуқтаи назардан бугунги мураккаб даврда аллақачон ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзбекистон сўнгги йилларда изчил иқтисодий ўсишни намоён қилмоқда. Мамлакат иқтисодиёти тез орада дунёнинг энг яхши 50 давлати сирасига кирадиган Осиёнинг қатор мамлакатлари муваффақиятини такрорлаши мумкин.

Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган самарали саъй-ҳаракатларини кузатмоқдамиз. Геосиёсий нуқтаи назардан Саудия Арабистони нафақат энергетика, балки дунёнинг муҳим минтақасидаги барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ҳам халқаро муносабатлар тизимида жуда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари қатор муҳим соҳалардаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга муваффақ бўлдилар. Ташрифнинг дастлабки натижаларидан аён бўлишича, молиявий ва сармоявий жиҳатдан Саудия Арабистони Ўзбекистон бозорида фаол иштирок этишдан жуда манфаатдордир. Ўзбекистонда амалга ошириш учун Саудия Арабистони билан кўп миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларининг имзоланиши Тошкентнинг мисли кўрилмаган муваффақияти ҳисобланади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик салоҳияти жуда мустаҳкам. Шериклик саноат қурилиши, металлургия, энергетика, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаси, туризм сингари соҳаларда ҳам самарали ривожланиши мумкин.

**Шабир АҲМАД ХОН,**
**Пешовар университетининг Минтақавий тадқиқотлар маркази директори, профессор (Покистон):**



— Ушбу тарихий ташриф турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг фаоллашувига янги суръат бағишлайди, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистонини диний-маънавий қадриятлар, бой илмий ва маданий мерос боғлаб туради. Саудияликлар ўзбекларни буюк ислом мутафаккири, файласуф ва аллома Имом Бухорийнинг авлодлари сифатида юксак ҳурмат қилишади.

Саудия Арабистони 1992 йили биринчилардан бўлиб Ўзбекистон давлат мустақиллигини тан олган. Шуниси ҳам муҳимки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони минтақавий ва халқаро хавфсизлик ҳамда ривожланиш масалалари бўйича умумий қарашларга эга. Тошкент ва Ар-Риёд халқаро ва минтақавий ташкилотларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Шуниси аёнки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликка янги суръат бағишлайди ва ўзаро алоқаларни янада фаоллаштиради. Ташриф натижаси ўлароқ, шериклик янада кенгайгани ҳолда, “яшил иқтисодиёт”, рақамлаштириш, юқори технологиялар, инновациялар, кичик ва ўрта бизнес каби соҳаларни қамраб олади.

Жорий лойиҳалар ижросининг ҳеч бир қийинчиликларсиз таъминланиши ва уларнинг кўламини янада кенгайтириш учун қатор ҳужжатлар ва битимлар имзоланди. Ташриф сўнгги йиллар давомида мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумотларни бериш имконини яратиши баробарида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ришталарни бундан-да мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар эшикларини очди.

**Воҳид ҚАЙСАР,**
**«Pairstech/Aleph Finance/ Chapterhouse Capital London UK» компаниялари гуруҳининг раиси (Буюк Британия):**



— Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи юқори технологиялар, инновациялар, тадбиркорлик ва “яшил иқтисодиёт” каби соҳалардаги ҳамкорлик салоҳиятини муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлди.

Ҳар икки давлатнинг саъй-ҳаракатларини ягона стратегияга бирлаштириш нафақат Ўзбекистон ва Саудия Арабистони, балки халқаро миқёсда ҳам иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда катта наф келтириши мумкин.

Томонлар иқлим ўзгариши, соғлиқни ва биохилмахилликни сақлаш каби масалаларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ҳам мувофиқлаштиришмоқда. Бу йўналишлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги алоқаларни кенгайтириш, шу жумладан, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконияти ҳам мавжуд. Ўзбекистон янги узилган сархил мевалари, сабзавот ва қуритилган юқори сифатли маҳсулотлари билан дунёда довруқ таратган. Шу боис Саудия Арабистони аҳолиси ҳам йил давомида ўз дўконлари савдо расталарида Ўзбекистон ноз-неъматларини кўришни исташи тушунарли ҳолдир.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида Саудия Арабистонидан Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ибн Сино ва бошқа кўплаб дунёга машҳур мутафаккир ва алломалар яшаб ижод қилган Ўзбекистонга зиёрат туризмини жадал ривожлантиришни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Саудиянинг тўғридан-тўғри хорижий сармоялари учун жозибадор солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали қулай шарт-шароитлар яратишга тайёр.

Ўзбекистон раҳбарининг Саудия Арабистонига сўнгги 30 йилдаги биринчи давлат ташрифи якунлари Тошкент ва Ар-Риёд учун ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб беради.

**Тазин АХТАР,**
**«Pakistan in the World» газетаси бош муҳаррири:**



— Ўзбекистон Президенти узоқни кўра биладиган сиёсий арбоб сифатида рақамли иқтисодиётни қўллаш, коммуникациялар, автомобиль, темир йўл ва ҳаво алоқаларини йўлга қўйиш сингари ўта ҳаётий аҳамиятга молик ташаббусларни илгари сурмоқдаки, буларнинг барчаси давлатлар ва халқларни бир-бирини ўзаро тўғри тушунишга, биргаликда иш юритиш, фаровонлик ва ривожланиш каби умумий мақсадларга жалб этилишига кўмаклашмоқда.

Саудия Арабистонига буюрилган ташриф конструктив ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорликнинг яна бир ифодасидир. Ўзбекистон ва Саудия Арабистони жуда яқин ва илиқ муносабатларни ўзаро қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тарихан Саудия Арабистони икки муқаддас қадамжо қарор топган мамлакат, Ўзбекистон эса ислом руҳининг шаклланитирилишида ўта муҳим ўрин тутган Имом Бухорий ва бошқа жуда кўплаб мутафаккирларнинг Ватани ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига 2017 йилги ташрифидан сўнг Ар-Риёд ва Тошкент ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янада фаоллашди. Ўзбекистон етакчиси Саудия Арабистони раҳбарияти, жумладан, Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд билан учрашувлар ўтказди. Ўшандан буён томонлар энергетика, тўқимачилик, металлургия, кимё, таълим, савдо ва инвестиция каби турли соҳаларда конструктив шериклик ташаббусларини илгари сурган ҳолда мунтазам равишда юқори даражадаги ўзаро ташрифларни қўллаб-қувватламоқда.

Ушбу ташриф жорий лойиҳалардаги икки томонлама алоқалар суръатини янада тезлаштириши баробарида, ҳар икки мамлакат халқлари учун наф келтирадиган янада истиқболли соҳалардаги муносабатлар эшикларини очади.

**Ҳикмет ЭРЕН,**
**«EkoAvrasya» Евроосиё иқтисодий алоқалар уюшмаси бошқарув кенгаши раиси (Туркия):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона халқаро сиёсати туфайли Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликнинг мутлақо янги босқичига кўтарилди, салмоқли натижалар қўлга киритилди, сўнгги йилларда товар айирбошлаш ҳажми ўсди, шу жумладан “яшил иқтисодиёт”га асосланган иқтисодий шерикликнинг янги қирраларини шакллантиришга эришилди.



Ўзбекистон раҳбарининг 30 йил ичида Саудия Арабистонига биринчи давлат ташрифи ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони Валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан Жидда шаҳрида бўлиб ўтган музокараларини катта қизиқиш билан кузатдим. Томонлар сиёсий соҳадаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, ишбилармонлик ришталарини ўрнатиш, ўзаро савдо таркибини кўпайтириш ва диверсификация қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш масалаларини муҳокама қилди.

Айниқса, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида Ўзбекистон ҳудудларида транспорт, сув таъминоти, электр тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий соҳаларда инфратузилма лойиҳаларининг ижроси бўйича келишувларга эришилгани аҳамиятга молик.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси билан биргаликда 2,6 миллиард долларлик йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш йўлга қўйилгани ҳамда “Sabic” компанияси билан кимё саноатида ҳамкорлик ўрнатилганини ҳисобга олиб, энергетика ва нефть кимёси соҳасида шерикликни ривожлантириш бўйича саммит давомида эришилган келишув Ўзбекистон иқтисодиётининг ушбу тармоқларини янада равнақ топтиришга ижобий туртки беради.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши якунлари жуда самарали бўлиб, унда энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари, транспорт соҳаларида 14 миллиард доллардан зиёд битим ва шартномалар имзоланди.

Давлат ташрифи якунлари бўйича икки мамлакатнинг энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳамкорликка оид 15 та ҳужжатнинг имзолангани Ўзбекистон ва Саудия Арабистони мавжуд улкан салоҳиятдан унумли фойдаланишига, кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

## Олий Мажлис Сенатида



# СУРХОНДАРЁДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД. АММО...

*Куни кеча Олий Мажлис Сенатида Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мутасаддилари қатнашди.

Таъкидланганидек, вилоятда туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, ҳудудда табиий, маданий ва тарихий меросга оид кўплаб обидалар бўлиб, уларнинг барчаси вилоятда туризмни ривожлантириш ва дунё сайёҳларини кенг жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу имконият ва салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Мисол учун, ҳозирги кунга қадар вилоят маркази ҳамда туман ва шаҳарлардан маданий мерос объектлари ва тарихий ёдгорликларга қулай транспорт қатнови йўлга қўйилмаган. Қолаверса, туристлар учун мўлжалланган йўл бўйларидаги инфратузилма қониқарсиз даражада.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Сангардак шаршараси каби табиат ёдгорликларини инсоннинг техноген таъсиридан ҳимоялаш жиддий ташвиш уйғотаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Мажлис якунида кўрсатилган муаммоларни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛОЛАХОН МУРОДОВА ТАЖРИБА МАКТАБИ ЯРАТИЛГАН

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини янада такомиллаштириш, фитосанитар ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда агрокимёвий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, ишчи гуруҳ Олтиариқ туманида Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муродова узоқ йиллар раҳбарлик қилган "Нурли обод" фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Эътироф этилганидек, қишлоқ хўжалигида Лолахон Муродова тажриба мактаби яратилган бўлиб, бу айни пайтда ўз самарасини бериб келмоқда. Буни шу кунларда нафақат мазкур фермер хўжалигида, балки ҳудуддаги кўплаб фермерлар далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳ аъзолари фермер хўжалиги дала шийпонида тумандаги энг илғор фермерлар билан самимий мулоқот ўтказди.

**«Халқ сўзи».**

## Йиғилиш

# ВОЛОНТЁРЛАР ФАОЛИЯТИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Унда "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига волонтёрлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида Ёшлар ишлари агентлигини волонтёрлик фаолияти йўналиши учун ваколатли давлат органи этиб белгилаш ва унинг ушбу йўналишдаги ваколатлари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг волонтёрлик фаолияти бўйича ваколатлари белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳани тартибга солиш ва ривожлантириш, волонтёрлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар сўнгида қўмита томонидан қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш якунлари юзасидан қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИШГА КИРИШДА ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

*Президентимиз томонидан шу йил 8 август куни имзоланган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, у тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича суръат бахш этади.*

*Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан зиёд давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солади.*

## Қонун моҳияти

Хусусан, ҳужжат билан бундан буён давлат хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахсларнинг айнан битта давлат органи ва ташкилотида бирга хизмат қилиши тақиқланмоқда. Қолаверса, коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчилари мажбурий ротация қилиниши белгилаб қўйилди.

Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш масаласи ўз ифодасини топгани ҳам эътиборга молик. Зеро, соғлиқ инсон ҳаёти учун энг керакли неъматдир. Бу йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган. Ҳужжатда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг муҳофазасида бўлиши белгилаб қўйилгани айни муддаодир.

Яна бир муҳим жиҳат. Эндиликда давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни ҳам қоплаб берилади. Яъни давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаёти ёки соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлиғи ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида бошқача тарзда шикастлангани туфайли етказилган зарар давлат органи томонидан қопланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўз мажбуриятларини бажараётганда вафот этса, унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига давлат органи томонидан вафот этган шахснинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган нафақа уларнинг сонига тенг тақсимланган ҳолда берилиши эса яна бир муҳим янгиликлардан биридир.

Сир эмаски, қонунчиликка мувофиқ, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Демак, мулк эгасига зарарнинг ўрни тўлиқ қопланмагунча давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш мумкин эмас. Мулкка етказилган зарар эса тўлиқ қоплаб берилиши керак.

Қонунда хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда давлат фуқаролик хизматчисининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланиши, ушбу сумма миқдори кейинчалик айбдор шахслардан регресс тартибида ундирилиши ўз аксини топгани эътиборга молик.

Давлат номидан фаолият олиб бораётган хизматчига қараб бошқарув ёки хизмат тизимига баҳо берилиши ҳаммамизга яхши маълум. Бу, ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимини малакали ва масъулиятли кадрлар билан тўлдириш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириб боришни тақозо этади.

Ҳужжатда давлат хизмати лавозимига тайинлашда фақат органларнинг ўзи эмас, балки ошкоралик асосида тегишли агентлик бошчилигида танлов асосида, уларнинг билими чиғириқлардан ўтказилиб, жойларга тайинланиши белгиланган. Бу тизимда шаффофликни таъминлайди, турли хил коррупцион ҳолатларнинг олдини олади.

Умуман айтганда, давлат хизматчилари — давлат бошқарувида асосий роль ўйнайдиган манба. Ушбу Қонунда белгиланган вазифалар ижроси аҳолининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу нуқтаи назардан, биз, депутатлар қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

## Фикр

# ЭНДИ ТУРАРЖОЙ БИНОЛАРИ ЧИҚИНДИ ТЎПЛАШ ЖОЙЛАРИ БЕЛГИЛАНМАСДАН ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛМАЙДИ

*Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиллик ҳосил бўлиш ҳажмининг прогнози 14 — 14,5 миллион тонна атрофида баҳоланиб, аҳолининг ўртача 1,5 фоизга кўпайиш суръатини ҳисобга олганда, ушбу кўрсаткич 2028 йилга бориб 16 — 16,7 миллион тоннага етиши мумкин.*

Сўнгги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш, хусусан, чиқиндиларни бошқариш соҳасида аниқ бир мақсадга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу борада соҳанинг замонавий мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Соҳанинг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юзасидан давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Президентимизнинг жорий йил 11 августдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан соҳага яна бир бор қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилмоқда.

Хусусан, Фармон чиқиндиларни бошқариш тизимини эски коммунал соҳанинг бюджет маблағларига суяниб қолган дотациядаги бир қисми сифатида эмас, балки улардан даромад манбаи сифатида фойдаланувчиларни қўшимча қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий асосларни белгилаб беришга йўналтирилган.

Ҳужжат соҳада бозор механизмини, хусусан, давлат-хусусий ва хусусий секторни ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар яратишни назарда тутади. У билан тадбиркорлик субъектлари — санитар тозалаш корхоналаридан ундириладиган бир қатор мажбурий тўловлар бекор қилиняпти. Яъни соҳада хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспортлар ва техникаларни хусусий шерикка бериш муддати 7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтиёзли давр билан узайтирилиши белгиланди.

Шу билан бирга, соҳада хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлиги ҳақида фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими орқали хабардор қилиш, янги қуриладиган кўп квартирали уйларни чиқинди тўплаш жойларини белгиламасдан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилишни тақиқлаш механизми белгилаб қўйилмоқда.

Умуман, мазкур ҳужжат чиқиндиларни бошқариш борасидаги қатор муаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини ўрганиш масаласи муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, мазкур қўмитанинг тегишли қарори билан Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти масъул ходимлари, шунингдек, экспертлар таркибидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ўрганиш ишларини олиб бориш белгиланган.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатлар билан ишлаш, уларни назорат қилувчи юқори тузилмалар ҳамда фуқароларни қабул қилиш жадваллари мавжудлиги, шунингдек, бу борада тартиб ва уларни ташкиллаштириш учун масъул шахс белгиланганлиги, мурожаатлар ташкилот раҳбари томонидан ижрога қаратилганлиги, тегишли тартибда рўйхатга олиниши ва кўриб чиқилганлик ҳолатлари бўйича сўровномалар тузилган.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби бузилганлиги, мурожаатларга масъул бўлган тузилма томонидан улар билан ишлаш бўйича мониторинг натижалари ҳар ҳафтада муҳокама этилгани ҳамда бу борада қонунчиликда кўзда тутилган нормаларга амал қилмаган ходимларга нисбатан қандай чоралар кўрилганлигини ўрганиш белгилаб олинди.

Ўрганиш натижалари юзасидан қўмитага тегишли маълумотлар тақдим этиб бориладиган бўлди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аппаратида мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини ўрганишдан бошлаши маълум қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТУТ ПЛАНТАЦИЯЛАРИДА САРА НАВЛИ КЎЧАТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги фермер хўжалигида "Пиллачиликда тутчиликдан самарали фойдаланиш ва касаначиларни қўллаб-қувватлаш масалалари" мавзуида семинар ташкил этилди.*

## Тадбир

Унда Сенат аъзолари, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, соҳанинг Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Семинарда ипакчиликни ривожлантириш, пилла етиштиришни босқичма-босқич кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мавжуд тутзорларни яхши навлар билан алмаштириш, турли мавсумларда қурт боқишга ярoқли, серҳосил, хўжалик қиймати юқори, турли касалликларга чидамли бўлган тут навлари кўчатлари етиштириладиган плантациялар ташкил этиш чора-тадбирлари устида иш олиб борилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — тут плантацияларида навли кўчатларни кўпайтириш, "In vitro" усулида тут кўчатлари етиштириш ва агротехник тадбирлар ўтказиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, ушбу йўналишларда мутахассислар ва олимларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, мавжуд муаммоларнинг илмий-амалий ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ипакчиликни изчил ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори қабул қилинди. Натижада соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиб, кенг имкониятлар эшиги очилди.

Жорий йилда ипакчилик соҳасида 1,1 миллион аҳолининг бандлиги таъминланди. Банд бўлганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Шунингдек, семинарда касаначи аҳоли томонидан навли тут кўчатларини етиштириш технологияларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг афзалликлари ҳамда бугунги кунда ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш замирида навли тут кўчатларига бўлган талабнинг ортиши, ундаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

Семинар якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

## Муҳокама

# МАҲКУМЛАР ҲИМОЯСИГА ОИД НОРМАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда "Мамлакатимизда маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари" мавзуида семинар ўтказилди.*

*Унда мамлакатимизда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борадаги халқаро тажриба ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, кутилаётган натижалар муҳокама қилинди.*

*Қонунчилик палатасида такомиллаштирилаётган қонун лойиҳасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини тасдиқловчи қатъий мезонларни белгилаш орқали уларнинг хулқ-атворини баҳолашда коррупцион омилларни бартараф этиш, меҳнатга жалб қилинган маҳкумларга колониялардаги иш стажи умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.*

*Қизғин баҳс-мунозара ва савол-жавоблар тарзида ўтган семинар якунида мазкур соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга оид тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.*

## *Сўз — иштирокчиларга*

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:**



— Таҳлилларга кўра, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига маҳкумларнинг меҳнатга лаёқатлиларидан 15 минг 921 нафари, яъни 75 фоизи жисмоний меҳнатга жалб қилинган. Лекин бирорта маҳкумнинг, ҳаттоки, 10 — 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва озодликка чиққунга қадар меҳнат қилган шахснинг ҳам умумий меҳнат стажига иш билан банд бўлган даври қўшилмаган.

Бундай ҳолатда маълум маънода уларга нисбатан адолатсизлик қилинган, дейишимиз ҳам мумкин. Бу муаммога эса Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида ҳуқуқий ечим назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган маҳкумларнинг ҳуқуқ доираси кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштирилмоқда. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий тураржойлар махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиб, тураржой майдони саҳнининг ҳажми оширилмоқда.

**Баҳром МАДИЁРОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаменти бошқарма бошлиғи:**



— Сўнгги йилларда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашлари бўйича ҳуқуқий кафолат мустаҳкамланди, "Уста — шогирд" мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Тизим тасарруфидаги 4 та ёпиқ турдаги колония фаолияти тўлиқ тугатилди.

Шаффофликни таъминлаш, ходимлар ва маҳкумлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли нохуш ҳолатлар — қийноқ, тазйиқ ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида муассасаларга ташриф буюрган фуқаролар томонидан департаментга тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари учун "тезкор алоқа" қурилмаси ишга туширилди.

Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади.

**«Халқ сўзи».**

# АДАБИЁТ ВА ЁШЛИК БАЙРАМИ



*Тошкент вилоятидаги "Дўрмон" ижод уйида Республика ёш ижодкорларининг анъанавий семинари давом этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу ёшлар анжумани бир неча йиллардан буён ёш иқтидорларни кашф қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

## Семинар

Куни кеча эрта тонгда ёш ижодкорлар, устоз ёзувчи-шоирлар, публицистлар, драматурглар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари Ёзувчилар уюшмаси биноси олдида жам бўлди. Йиғилганлар дастлаб Адиблар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишди. Сўнгра қатнашчилар учун "танишув мушоираси" ташкил қилинди.

Сўзга чиққан устоз ижодкорлар юрак дарди ва сўз сеҳри катта куч эканини таъкидлашар экан, адабиёт оламига ўз сўзи, иқтидори билан кириб келаётган ёшларга оқ йўл тиладилар.

— Бу йилги семинарда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сараланган 85 нафар ёш ижодкор қатнашмоқда, — дейди Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботиржон Эргашев. — Уларнинг 7 нафари Қорақалпоғистон Республикасидан, 5 нафари эса мамлакатимизда яшаб, рус тилида ижод қилаётган ёш ижодкорлардир. Энг муҳими, ушбу анжуманда дўстона муҳит ҳукмрон. Адабиётнинг турли жанрларида қалам тебратаётган йигит-қизлар мазкур семинар туфайли ўзаро танишиш, фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

"Дўрмон" ижод уйида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросими адабиёт ва ёшлик байрамига айланди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда адабиёт ривожига қаратилаётган эътибор, адабий жараёнлар, ёш қаламкашларнинг қўллаб-қувватланаётгани, семинарнинг аҳамияти хусусида ўз фикрларини билдирди.

Шундан сўнг иштирокчилар бадиий адабиётнинг назм, наср, драматургия, бадиий публицистика, бадиий таржима, болалар адабиёти, адабий танқид йўналишлари бўйича шуъбаларга бўлинган ҳолда таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар томонидан ўтказилган маҳорат дарсларида қатнашди.

— Республика ёш ижодкорларининг анъанавий семинарида иштирок этиш ҳар бир йигит-қизнинг орзусидир, — дейди жиззахлик Аваз Алимов. — Ниятларим рўёбга чиққанидан бахтиёрман. Семинарда шеърият йўналиши бўйича қатнашяпман. "Дўрмон" ижод уйига ҳам биринчи марта келишим. Таассуротларим бир олам — ижодий илҳом оғушидаман. Биз, ёшларга берилаётган бундай эътибордан мамнунмиз.

Анжуманнинг кейинги кунларида "Китобхонлик кечаси ва мушоира", "Семинарнинг салмоғи" мавзуида давра суҳбати, шунингдек, ўтган йилги Зомин семинарида қатнашиб, асарлари "Биринчи китобим" лойиҳасига тавсия этилган 25 нафар йигит-қизнинг илк китоблари тақдимоти ўтказилиши режалаштирилган.

Уч кунлик семинар давомида ёш ижодкорлардан 20 нафари саралаб олинади ва шу йилнинг охиригача уларнинг ижодий ишлари нашрга тайёрланади.

Умид қиламизки, навбатдаги адабиёт ва ижод байрамида ҳам ёрқин истеъдодлар кашф қилинади, устоз адибларимиз эътиборига тушишади ва адабиётимиз бўстонига янги овозлар кириб келади.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

*Бугун халқаро ареналарда ўтказилаётган қай бир спорт мусобақасини олиб қарамайлик, унда музаффар спортчиларимиз шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳияси баралла янграши одатий ҳол бўлиб қолди. Спортчиларимиз ўз ютуқлари билан дунёни забт этишмоқда, десак, муболаға қилмаймиз. Кеча ўз ниҳоясига етган ва ёпилиш маросими тантанали уюштирилган V Ислом бирдамлик ўйинлари ҳам бундан мустасно эмас.*

## Фахр

Туркиянинг Конья шаҳрида 9 — 18 август кунлари бўлиб ўтган мазкур ўйинларни кузатиб бормаган юртдошларимизнинг ўзи бўлмаса керак. Зеро, унда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз маҳоратларини ҳаяжон билан кузатдик, уларнинг ғалабаларига шерик бўлдик. Спортчиларимиз ҳеч кимдан кам эмасликларини, Ватан шаъни ва шону шавкати учун камарбаста эканликларини исботлашди. Президент ва халқ ишончини қозонишди.



Маълумки, Конья ўйинлари аслида 2021 йилда ўтказилиши керак эди. Аммо COVID-19 таъсирини камайтириш мақсадида бутун дунёда ички ва халқаро тадбирлар тўхтатиб турилди, жумладан, йирик спорт мусобақалари қаторида Ислом бирдамлик ўйинлари ҳам.

Ислом бирдамлик ўйинлари — бу 56 та мусулмон мамлакатни бирлаштирган умумий спорт байрами, у ишонч ва умид, ҳамдўстлик ва бирдамлик тимсоли.

Бевосита "Конья — 2021" ўйинларига қайтадиган бўлсак, спортчиларимиз қўлга киритган ҳар бир медаль мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги учун ўзига хос тухфа бўлди. Медаллар жамғармаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 51 та олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, умумий 158 та медаль билан умумжамоа ҳисобида мезбон — Туркиядан кейин иккинчи ўринни забт этишди. Бу ўтган йиллар мобайнида миллатни дунёга танитадиган спорт ривожини муҳим стратегик вазифа, бош мақсад сифатида олдинга қўйилганлиги, бундай мақсадга эришиш учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилганлигининг натижасидир. Ана шу йўлдаги сарф-харажатлар, шубҳасиз, ўзини оқлади.

Ёшлар орасида авваллари у қадар оммалашмаган спорт турларига — сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, бадиий гимнастика, волейбол, кураш, синхрон сузиш, шахмат ва бошқаларга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бунинг исботини Ислом бирдамлик ўйинларида айни спорт турларида ҳам спортчиларимизнинг ғалаба нашидасини сурганликларида гувоҳи бўлдик.

Жамоанинг хотин-қизлари ҳам делегациянинг етакчи ўринлардан бирини қўлга киритишдаги ҳиссаси беқиёс бўлди. Ўзбек ва жаҳон гимнастикаси афсонаси Оксана Чусовитина Ислом бирдамлик ўйинларида олтин медални қўлга киритди. Оксана Чусовитинадан сўнг Дилдора Арипова ҳам олтин медаль соҳибаси бўлди. Арипованинг тўсинда ижро этган мураккаб элементлари ҳакам томонидан энг яхши деб топилди ва Коньяда давлатимиз мадҳияси яна бир бор янгради. Спортнинг таэквондо WT туридан олтин медални қўлга киритган ҳамюртимиз Феруза Содиқова, енгил атлетикачилар Шарифа Давронова, Сафина Садуллаева, Светлана Радзивил каби ўнлаб ғолиб ва совриндор аёл-қизлар номини келтириш мумкин.

Мамлакатни дунёга танитишда, шунингдек, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс эканлигини яхши биламиз. Спорт билан мунтазам шуғулланган болалар, биринчидан, соғлом бўлиб ўсади, иккинчидан, бўш вақти самарали ўтади, учинчидан, жаҳон ареналарида ўзбекистонлик спортчилар сифатида улкан ютуқларни қўлга киритишади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Шу маънода, Президентимизнинг халқаро спорт ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритаётган спортчиларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва қарорлари ҳам эътиборга молик. Хусусан, Президентимизнинг "Конья шаҳрида (Туркия) бўлиб ўтган V Ислом бирдамлиги ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар ҳамда уларнинг тренерларини бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори ҳам спортчиларимизни янада юксак марралар сари илҳомлантиради, Ватанимиз довруғини оламга ёйишга, ёшлар орасидан минглаб истеъдодлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

Гап халқимиз саломатлиги, келажак авлоднинг жисмоний ва маънавий қиёфаси ҳақида борар экан, Ўзбекистон бугун тўғри йўлда эканига амин бўламиз. Бир мисол. Президентимиз ҳар доим аҳолини даволашдан кўра, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш орқали касалликка чалинишининг олдини олиш афзал экани ҳақида қайғуриб келади. Ўтган йиллар мобайнида шу даражага эришяпмиз ҳам. Халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини танлаб, саломатлигини мустаҳкамлаб келаётган фуқаролар кун сайин кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу жараёнда жаҳон ва Олимпиада, турли халқаро ўйинлар чемпионлари бошқалар учун намуна бўляпти.

**«Халқ сўзи».**

## Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!



# БУ «АБДУЛЛАЖОН» ФИЛЬМИДАГИ КАДР ЭМАС...

*Биламизки, фильм ёки бадиий асарлардаги ишониш қийин образ ва воқеалар, асосан, хаёл, тасаввур таъсирида яратилади. Кўпчилигимиз учун севимли бўлган "Абдуллажон" фильмида ҳам катта қовун-тарвузлар устига нарвон билан чиқаётган деҳқонни кўриб "бунақаси бўлиши мумкинмас, фантастика-ку", деймиз. Бироқ шўрчилик Холбой Қурбонов томорқасида 35 килограммлик ошқовоқ етиштиргани бизнинг бу қарашларимизни ўз-ўзидан ўзгартириб юборади.*

— Ошқовоқ уруғини томорқамизга апрель ойида қадагандик. — дейди Холбой Қурбонов. — Ҳар галгидек парваришладик, озиқлантирдик. Қандайдир мўъжиза юз бердими, билмадим ошқовоқлар йириклаша бошлади. Ҳозир пайкалимизда ҳатто, 35 килограммлик ошқовоқ ҳам бор, бундан ўзим ҳам ҳайратдаман. Келгуси йил ушбу ошқовоқ уруғини тажриба сифатида экаман, агар муваффақиятли натижа берса, уни кўпайтириш ниятидаман.

Томорқачи бу сир-синоатни илмий нуқтаи назардан ҳам чуқур ўрганишга қарор қилган. Албатта, бу ақл бовар қилмас мўъжизалар замирида томорқачининг изланиш ва заҳматли меҳнати ҳам бор.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

*Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, энг улуғ, энг азиз байрамимиз бу йил "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" деган бош ғоя асосида нишонланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида, аввало, инсонни қадрлашга, халқнинг ҳаётдан розилигига эришиш ва турмуши фаровонлиги, орзу-мақсадлари рўёбини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мавжуд муаммолар бартараф этилиб, зарур барча шарт-шароит яратилаётир.*

*Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманидан келган 100 нафар хотин-қиз Фарғона вилоятининг сўлим маскани — Чимён қишлоғида ҳордиқ чиқараётгани ана шу эзгу саъй-ҳаракатлар мевасидир. Мазкур ташаббус жамиятимизда хотин-қизларга эҳтиром ва эътиборнинг нақадар юксак эканлигини яна бир бор намоён этди.*

*"Халқ сўзи" мухбири Чимёнда бўлиб, сиҳатгоҳда дам олаётган қорақалпоғистонлик аёлларнинг таассуротлари билан қизикди.*



## Ғамхўрлик

**Қалжан БУРГУТОВА,**
**фахрий ўқитувчи:**

— Узоқ йиллардан буён "Кўксув" овул фуқаролар йиғинида жойлашган мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келяпман. Бугун сидқидилдан ишлаган, меҳнат қилган инсон борки, албатта, унинг роҳатини кўради. Юртимизнинг гавҳари ва марвариди сифатида эъзозланувчи Фарғона водийси ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, шу пайтгача бу ерда бўлиш насиб этмаганди. Бугун Фарғонани ўз кўзим билан кўриб, унутилмас таассуротлар олдим.

Барчамизга яхши аёнки, инсон ҳаётининг бахтли ва файзли кечиши саломатлик билан чамбарчас боғлиқ. Сиҳатгоҳда мароқли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароит муҳайё этилган. Бу ерда соғлиғимизни яхшилаш баробарида, водийнинг диққатга сазовор ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилиб, унутилмас таассуротлар олдик.

**Клара САЙПНАЗАРОВА,**
**Бўзатов тумани хотин-қизлар фаоли:**

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан жорий йилда бир гуруҳ нуроний отахон-онахонларимиз Чимён сиҳатгоҳида, баркамол авлод вакиллари эса ёзги оромгоҳда дам олишган эди. Бу сафар бўзатовлик 100 нафар аёл ушбу сиҳатгоҳга келдик. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда миннатдормиз.

Фарғона шаҳрида қуриб битказилган замонавий иншоотлар, маданият ва маърифат масканлари, боғ ва хиёбонлар бўйлаб саёҳат қилдик, самимий, меҳмондўст инсонлар билан кечган мароқли суҳбатлар бир умр ёдимизда қолади.

**Иля ҚИЯСОВА,**
**маҳалла фаоли:**

— Сиҳатгоҳ ходимлари жуда меҳрибон, самимий инсонлар экан. Муолажалар олишда ҳеч бир қийинчилик йўқ. Уларнинг табассуми, ширин каломлариданоқ одамнинг дарди енгиллашгандай бўлади.

Файзли оқшомда Фарғонанинг машҳур санъаткорлари келиб, концерт дастурлари ташкил этишяпти. Ўтган қисқа даврда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан келган дам олувчилар билан танишиб, қадрдонлик ришталарини боғладик. Ўзаро суҳбатларда ҳамюртларимиз бугун Ўзбекистонда инсон қадри улуғланаётганидан беҳад мамнунлигини изҳор қилмоқда. Бундай янгиланишлар туфайли одамларнинг тафаккури, яшаш тарзи бутунлай ўзгараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

**Олжан ДЎСПАНОВА,**
**ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийси:**

— Кўп йиллар ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатганман. Бугунги кунда кексалик гаштини суряпман. Бундай чиройли масканда ҳордиқ чиқаришга таклиф этишганидан ниҳоятда хурсандман.

Бу юртнинг табиати дилкушо. Соя-салқин жойлар, тиниқ сувлар, кўкка бўй чўзган дов-дарахтлар, чиройли табиат манзаралари дилга ҳузур бағишлайди. Бу каби эътибор ва рағбат барчамизни мамлакатимизда олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар жараёнида янада фаол ва фидойи бўлишга ундайди. Бундан буён ҳам Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган улкан ҳажмдаги ишларга ҳар биримиз ўзимизни дахлдор билиб, меҳнат қиламиз.

**Инжигул САРИМБЕТОВА,**
**уй бекаси:**

— Бугун қишлоқларимиз гўзаллашиб, халқимизнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда. Худди шундай, Бўзатов туманининг ҳар бир овулида бугун Фарғона нафаси, водийликларга хос тадбиркорлик, меҳнаткашлик яққол намоён бўла бошлади. Томорқадан фойдаланиш, боғдорчилик, чорвачилик тармоқлари ривожида фарғоналик соҳибкорлар бизга кўмак беришмоқда.

Эрта баҳорда хонадонимизда ҳам иссиқхона ташкил этиб, мевали дарахтлар, узум кўчати экиб беришганида бу ердаги боғдорчилик тажрибасини ўз кўзим билан кўриш орзусида эдим. Сиҳатгоҳ ва унинг атрофидаги маҳаллаларни айланиб, уларнинг ғайратига, яратувчанлик иштиёқига қойил қолдим. Одамларнинг чеҳрасида бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги кунга ишонч, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари балқиб турибди. Бу аҳоли турмуш даражаси фаровонлашаётганидан, одамларнинг бугуни ва эртасидан рози бўлиб яшаётганидан далолатдир.

**Гулзира ҚУННАЗАРОВА,**
**«Бўзатов» овул фуқаролар йиғини фаоли:**

— Гапнинг очиғи, Бўзатовнинг ёзи бошқа ҳудудларга қараганда иссиқроқ бўлади. Чимён анча салқин, баҳаво жойлар эканлиги бизга жуда манзур бўлди. Туман газ идорасида ишлаганим учун Бўзатовнинг ҳар бир овули шароитини яхши биламан. Кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли бўзатовликларнинг эртанги кунга ишончи юксалмоқда.

"Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши" деганларидек, даволаниш муолажаларидан бўш пайтимизда уюштирилаётган саёҳатлар давомида Фарғонани ўзим учун кашф этдим. Насиб қилса, бундан буён ҳар йили ёзда бу жойларга келишни ният қилиб қўйдим.

**Гулайиша БОЙМУРАТОВА,**
**пенсионер:**

— Бўзатовдаги санитария-эпидемиологик марказида ишлаганим учун ҳудудга хос экологик муаммолар ҳақида кўп ўйлардим. Бугун юртимизда инсон омилига қаратилаётган юксак эътибор, "Инсон қадри учун" эзгу ғоясини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бу каби оғриқли масалаларга ечим топишда жуда қўл келмоқда.

Қаранг, бугун юртимиз қиёфаси буткул ўзгарди. Улуғвор ва бетакрор иморатлар бунёд этаётган халқимизнинг ғурурига ғурур қўшилди, ҳаётда ўз қадрини билиб яшашни ўрганди. Биргина мисол, ўзимиз истиқомат қилаётган Бўзатов овулидаги бугунги ўзгаришлар ҳар бир оила, инсон мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бу сингари эзгу ишлар юртимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга мустаҳкам ишончни янада кучайтирмоқда.

**Тўтигул ТОИРОВА,**
**«Эркиндарё» овул фуқаролар йиғини фуқароси:**

— Сиҳатгоҳда 12 кун давомида дам олиб, соғломлаштириш муолажаларини олишимиз учун барча шароит яратилган. Муолажалардан кейин вилоятда жойлашган тарихий-маданий ёдгорликлар, хусусан, мумтоз шоир Ҳувайдо мақбарасини зиёрат қилдик. Шоирнинг авлодлари билан мароқли суҳбат уюштирилди.

Биласизми, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизни бунёдкорликка, барча соҳада янги марралар сари ундамоқда. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азалдан бир дарёдан сув ичган. Халқларимизнинг бирдамлиги "Куч — бирликда" деган ҳаётий даъватнинг исботидир. Шундай экан, ҳеч қандай ғаразли куч бизни муштарак мақсад йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлардан ортга қайтара олмайди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 06.20 Топширилди — 07.50 1 2 3 4 5 6